

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИМКОНЯТИ ЧЕКЛАНГАН ШАХСЛАР УЧУН МЕХНАТ ҚИЛИШ ИМКОНЯТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ (ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИСОЛИДА)

**Рашидов Диловар Нажмиддинович**

*Тошкент Давлат транспорт университети*

**Рахматов Зиёдулло Носирович**

*Тошкент Давлат транспорт университети*

**Туйчиев Анваржон Мухторжонович**

*Тошкент Давлат транспорт университети*

Бугунги кун ҳолатида Ўзбекистонда имконияти чекланган шахслар учун мўлжалланган 156 корхона мавжуд бўлиб, шундан 6 таси Қорақалпоғистон республикаси ҳудудида жойлашган Бу корхоналарни ташкил этишдан асосий мақсад ногиронларни иш билан таъминлаш бўлсада, узоқ йиллар давомида ушбу мақсадга тўлиқ эришилмаяпти. Ҳозирги кунда бу корхоналарда жами бўлиб 96 нафар ишчи ишламоқда. Шундан 65 нафарини ногиронлар ташкил қилади.

Бу корхоналарнинг асосий қисми ўта абгор аҳволга келиб қолган. Ҳеч қайси масъул бу корхоналарни ривожлантириш, замон талабларига мослашириш, иш ўринларин кўпайтириш каби масалалар устида бош қотирмаган. Биргина мисол Хўжайли туманида жойлаган “Ходжели” ЎИЧК(ўкув ишлаб чиқариш корхонаси) МЧЖ нинг биноси 1983 йилда қурилган бўлса-да, бугунги кунгача бирор маротаба ҳаттоки жорий таъмирдан чиқарилмаган. Худди шундай шу туманида жойлашган ЎзКОЖ(Ўзбекистон Республикаси кўзи ожизлар жамияти)га қарашли “Хўжайли” ЎИЧК МЧЖ биноси 1939 йилда қурилган, бугунги кунгача бирор маротаба таъмирланмагани сабабли ҳозирда авария ҳолатига келиб қолган.



*1-расм. Хўжайли туманидаги “Ходжели” ЎИЧК МЧЖ биноларининг ички ва ташқи кўриниши*

*Манба: муаллифлар томонидан ишлаб чиқилди*



Республикадаги қолган корхоналарда ҳам аҳвол худди шундай. Шу сабабдан, яъни таъмирталаблиги ёки авария ҳолатига келиб қолганиги учун бино иншоотларнинг кўп қисмидан фойдаланилмаяпти. Булардан ташқари корхоналарнинг ер майдонларидан фойдаланиши кўрсаткичлари ҳам жуда паст. Катта-катта ер майдонлари шунчалик ҳувиллаб ётибди.

*1-жадвал*

***Қорақоғонистон республикасида ногиронлар учун ихтиослаштирилган корхоналардаги фойдаланилмаётган бино иншоотлари ва ер майдонлари тўғрисида маълумот***

т/р	Корхона номи	Корхона жойлашган ҳудуд	Биноларнинг умумий майдони	Бинонинг фойдаланилмаётган майдони	Фойдаланилмаётган ер майдони
1.	“Bernina Nukus” шўъба корхонаси	Нукус шаҳри	250 метр кв.	120 метр кв.	-
2.	“Mo’tabar-Zulayxo” шўъба корхонаси	Беруний тумани	110 метр кв.	-	400метр.кв.
3.	“Xodjeli” ЎИЧК МЧЖ	Хўжайли тумани	4872 метрқв.	4400 метрқв.	550 метрқв.
4.	ЎзКОЖ “Хо’jayli” ЎИЧК МЧЖ	Хўжайли тумани	8900 метрқв.	316 метр кв.	-

***Манба: муаллифлар томонидан ишлаб чиқилди.***

Жаввалдан кўриниб турганидек, жуда катта ҳажмдаги бино иншоотлари ва ер майдонларидан фойдаланилмаяпти. Бу эса ўз навбатида иш ўринларининг йўқотилишига олиб келмоқда.

Корхоналардаги кадрлар салоҳияти ўрганилганда қўйидагилар маълум бўлди:

✓ ишчиларнинг малакаси ва билими жуда паст ҳамда давр талабига жавоб бермайди;

- ✓ ишчиларнинг малакасини ошириш ишлари амалга оширилмаган;
- ✓ ишчи-ходимларда замонавий ускуналарда ишлаш кўникмалари йўқ;
- ✓ ходимларнинг маълумоти асосан ўрта ва ўрта махсусни ташкил этади.

Ўрганиш ва таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, имконияти чекланган шахслар учун янги иш ўринларини яратиш, уларнинг меҳнат қилиш имкониятларини кенгайтириш учун бир қанча чора-тадбирарни амалга ошириш лозим бўлади. Бунинг учун корхоналарни соғломлаштириш, бино иншоотларни таъмирлаш, асбоб-ускуналарни янгилаш ҳамда мавжуд қарздорликни тугатиш мақсадида уларга фоизсиз кредитлар ажратиш, бу йўналишдаги ишларда маҳаллий ҳокимликларнинг масъулиятини ошириш, ишчиларнинг малакаси ошириш, уларни қайта касбга тайёрлаш каби ишларни амалга ошириш тавсия этилади.



### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 15 октябрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги ЎРҚ-641-сонли қонуни.
2. Шуляева Алефтина Владиславовна (2017). Решение проблем в профессиональном образовании и трудоустройстве лиц с ограниченными возможностями здоровья - инвалидов. Власть и управление на Востоке России, (4 (81)), 121-127.
3. Шабунова Александра Анатольевна, & Фахрадова Лейла Натиговна (2016). Актуальные проблемы трудоустройства инвалидов. Экономические и социальные перемены: факты, тенденции, прогноз, (6 (48)), 126-142.
4. Рашидов, Д. (2023). Давлат-хусусий шерикликда таваккалчилик турлари. Scienceweb academic papers collection.
5. Рашидов Диловар Нажмиддинович, & Холбоев Йигитали Авганович (2022). Корхона ва ташкилотларда ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар учун иш ўринларини йўналишлар кесимида захиралашнинг самарадорлигини ошириш. Трансформация моделей корпоративного управления в условиях цифровой экономики, 1 (1), 73-78. doi: 10.24412/cl-36899-2022-1-73-78
6. Рахматов, З. (2019). Маркетинг бозор фаолиятининг иқтисодий ҳафвсизлигини таъминлаш воситаси сифатида. Мамлакат иқтисодий ҳафвсизлигини таъминлашнинг устувор йўналишлари, 1(2), 4. Извлечено от [https://ejournal.tsue.uz/index.php/iqtisodiy\\_xavfsizlik/article/view/20](https://ejournal.tsue.uz/index.php/iqtisodiy_xavfsizlik/article/view/20)
7. Рашидов, Д. (2022). Ijtimoiy ehtiyojmand toifaga mansub shaxslarni transport korxonalarida ishga joylashtirish uchun ish o'rinlarini zaxiralash. Scienceweb academic papers collection.
8. Anvarjon Tuychiev, . (2021). Scientific Approaches To Public-Private Partnership In The Transport System Of Uzbekistan. The American Journal of Management and Economics Innovations, 3(05), 100-105. Retrieved from <https://inlibrary.uz/index.php/tajmei/article/view/12441>
9. Рашидов, Д. (2022). Ўзбекистонда инклюзив меҳнат бозори истиқболлари: аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ишга жойлаштириш учун иш ўринларини захиралаш: ҳолат, муаммолар ва таклифлар. Scienceweb academic papers collection.
10. Акбаров, М. И., & Рахматов, З. Н. (2018). Ўзтемирўйлийловчи. АЖни ривожлантиришда маркетинг коммуникация стратегиясини шакллантириш асослари. “Иқтисодиёт ва таълим” илмий журнали, 6.
11. Raxmatov Ziyodullo Nosirovich, & Sindorov Baxtinur Xolyigit O'G'Li (2022). Bozor iqtisodiyoti sharoitida ijtimoiy marketingkorxonona muvaffaqiyatining muhim omili sifatida. Трансформация моделей корпоративного управления в условиях цифровой экономики, 1 (1), 19-21. doi: 10.24412/cl-36899-2022-1-19-21
12. Anvarjon Tuychiev, . (2021). Scientific Approaches To Public-Private Partnership In The Transport System Of Uzbekistan. The American Journal of Management and



Economics Innovations, 3(05), 100–105. Retrieved from  
<https://inlibrary.uz/index.php/tajmei/article/view/12441>

И.Рашидов, Д. (2022). Transport korxonalari uchun nogironlar tomonidan ishlab chiqarilayotgan maxsus kiyimlar va boshqa mahsulotlar xaridini ko 'paytirish orqali nogironlar mehnatini rag'batlantirish. Scienceweb academic papers collection.